
ISSN: 2181-1741 (print)
ISNN: 2181-1725 (online)
2024 / № 3

FILOLOGIK TADQIQOTLAR:
TIL
ADABIYOT
TA'LIM



Philological research:
LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

Филологические исследования:
ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

pholologicalresearch.uz

TERMIZ DAVLAT UNIVERSITETI

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

Илмий-инновацион журнал

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 3

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro‘yxatga olingan. Matnlarda foydalanilgan misol, ko‘chirma va ma’lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko‘chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.03.2024
Qog‘oz bichimi: 70x85
Bosma tabog‘i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog‘ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri, Barkamol avlod ko‘chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko‘chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Rasmiy sayt:
https://journaltersu.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV, iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY’ATI:

Bekpo‘lat Umurqulov, filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o‘rinbosari)
Shoxista Maxmaraimova, filologiya fanlari doktori, professor (mas’ul muharrir)
O‘ral Xoliyorov, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Olmos Ulviy Binnatova, f.f.d., professor (Ozarbayjon)
Karl Rayxl, f.f.d., professor (Germaniya)
Vali Savash yelok, f.f.d., professor (Turkiya)
Dorota Silviya, f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)
Muslihiddin Muhiddinov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Ibodulla Mirzayev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Abdi Mamatov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Suyun Karimov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Muhammadxon Hakimov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Nafas Shodmonov f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Dilmurod Quronov, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Baxtiyor Mengliyev, f.f.d., professor (O‘zbekiston)
Normat Yo‘ldoshev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Abdulla Xudoyqulov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Bobonazar Murtazayev, f.f.n., dotsent (O‘zbekiston)
Asqar Eshmo‘minov, f.f.d., dotsent (O‘zbekiston)
Obidjon Shofiyev, f.f.f.d. (PhD), dotsent (O‘zbekiston)
Zafar Umurqulov, f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O‘zbekiston)
Nurali Amonturdiyev, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Hakim Ahmedov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Ahad Shukurov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Eshnazar Jabborov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Abdumurod Arslonov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Sirojiddin Turdimurodov, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Umida Raximova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Gulchehra Begmatova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Shoira Amonturdiyeva, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Nargis Kurbanazarova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Muyassar Xolova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)
Zaynura Qodirova, f.f.f.d. (PhD) (O‘zbekiston)

Texnik muharrir: Bahodir To‘raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.03.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100. Цена договорная
Заказ: 155

Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
https://journaltersu.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ, доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)

Шохиста Махмараимова, доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)

Урал Холияров, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)

Олмос Улвий Биннатова, д.ф.н., профессор (Азербайджан)

Карл Райхл, д.ф.н., профессор (Германия)

Вали Саваш Елок, д.ф.н., профессор (Турция)

Дорота Сильвия, PhD, доцент (Польша)

Муслихиддин Мухиддинов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Ибодулла Мирзаев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Абди Маматов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Суюн Каримов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Мухаммадхон Хакимов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нафас Шодмонов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Дилмурод Куронов, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Бахтиёр Менглиев, д.ф.н., профессор (Узбекистан)

Нормат Юлдашев, к.ф.н., доцент (Узбекистан)

Абдулла Худайкулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Бобоназар Муртазаев, ф.ф.н., доцент (Узбекистан)

Аскар Эшмуминов, д.ф.н., доцент (Узбекистан)

Обиджон Шофиев, д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)

Зафар Умуркулов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Нурали Амонтурдиев, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Хаким Ахмедов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Ахад Шукуров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Эшназар Джаббаров, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Абдумурод Арслонов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Сирожиддин Турдимуродов, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Умида Рахимова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Гульчехра Бегматова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Шоира Амонтурдиева, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Наргис Курбаназарова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Муяссар Холова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Зайнура Кадирова, д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President's Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.03.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94. Offset printing.
Offset paper. Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155. Printed at the «Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
https://journaltersu.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)
Shohista Makhmaraimova, doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)
Ural Kholiyorov, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Olmos Ulviy Binnatova, doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)
Karl Rayxl, doct.of philol. sciences, professor (Germany)
Vali Salvash Elok, doct. of philol. sciences, professor (Turkey)
Dorota Silvia, PhD, associate professor (Poland)
Muslihiddin Mukhiddinov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Ibodulla Mirzaev, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Abdi Mmatov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Suyun Karimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Muhammadkhon Khakimov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Nafas Shodmonov, doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Dilmurod Kuronov, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Bakhtiyor Mengliev, doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)
Normat Yuldashev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Abdulla Khudaykulov, PhD (Uzbekistan)
Bobonazar Murtazaev, cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Askar Eshmuminov, doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)
Obidjon Shofiev, PhD, associate professor (Uzbekistan)
Zafar Umurkulov, PhD (Uzbekistan)
Nurali Amonturdiev, PhD (Uzbekistan)
Hakim Akhmedov, PhD (Uzbekistan)
Ahad Shukurov, PhD (Uzbekistan)
Eshnazar Jabbarov, PhD (Uzbekistan)
Abdumurod Arslonov, PhD (Uzbekistan)
Sirojiddin Turdimurodov, PhD (Uzbekistan)
Umida Rakhimova, PhD (Uzbekistan)
Gulchekhra Begmatova, PhD (Uzbekistan)
Shoira Amonturdieva, PhD (Uzbekistan)
Nargis Kurbanazarova, PhD (Uzbekistan)
Muyassar Kholova, PhD (Uzbekistan)
Zaynura Kadirova, PhD (Uzbekistan)

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

БЕКПЎЛАТ УМУРҚУЛОВ
Бадиий нутқ – лингвистик тадқиқотлар манбаи 7

НЮБАР ХАКИМОВА
Традиционное врачевание или логманство,
концептуальные и практические направления 15

ПАНЖИЕВ НОРМАХМАТ ПАНЖИЕВИЧ
Синтагматика согласных фонем в узбекском языке
(На материале финальных двучленных сочетаний) 18

TURDIQULOV SHERZOD DUMINOVICH
Teolingvistik g‘oyalarning onomasiologik tadqiqotlarda aks etishi 23

САМАНДАРОВ РУСТАМ ДЎСЁРОВИЧ
Синтактик деривация жараёни ва аппликатив модел 25

TURDIMURODOV SIROJIDDIN ESHQOBILOVICH
Xususiyat, hajm-o‘lchov va hid bildiruvchi
evfemik birliklarning lingvistik xususiyatlari 29

АЛИМАРДАНОВ ЭЛЁР ИЛХОМ ЎҒЛИ
Хоразм диалектал зонасидаги ўзбек ва туркман тиллари
контактларини ўрганишнинг назарий асослари 32

SAATOVA SURAYYO ISMAILOVNA
O‘zbek tilida lisoniy shaxsni shakllantiruvchi ijtimoiy omillar 37

RAHIMOVA ZEBINISO SHOMANSUR QIZI
Jargonlar presuppozitsiyasi 41

TO‘YCHIYEVA ZULAYHO HAMRAQULOVNA
Zulfiya she’riyatida ayrim frazemalarning qo‘llanish xususiyatlari haqida 45

XUDAYBERGANOVA DILDORA KULMAMATOVNA
O‘zbek tilida zoonimlarning semantik-funksional tahlili
(Ogahiy asarlaridagi zoonimlar misolida) 49

М У Н Д А Р И Ж А

JO‘RAYEVA NASIBAXON G‘ANIYEVNA
Tarixiy asarlar leksikasida eskirgan so‘zlar tizimi 52

XAYDAROVA XURSHIDA
Takroriy taqlid so‘zlar klassifikatsiyasi
(Besh jildli o‘zbek tilining izohli lug‘ati asosida) 57

АНАХОН НАСУРИЛЛАЕВНА ВАПАЕВА
Периоды формирования новейших
слов в узбекском и русском языках 61

ADABIYOTSHUNOSLIK

ҚУРОНОВ ДИЛМУРОД ҲАЙДАРАЛИЕВИЧ
Адабиётшунослик терминларини ўзбекчалаштириш муаммолари 65

JABBOROV ESHNAZAR
Jahon ma’rifatchiligining sharqona tamoyillari 69

ҚУРОНОВ САЪДУЛЛО ДИЛМУРОДОВИЧ
Ўтиш даври романлари ва инсон концепцияси 71

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 3
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

БАДИИЙ НУТҚ – ЛИНГВИСТИК ТАДҚИҚОТЛАР МАНБАИ

Бекпўлат Умурқулов,
Термиз давлат университети профессори,
филология фанлари доктори

Бадиий нутқда сўз қўллаш билан боғлиқ масалалар жуда мунозарали, зеро бу мавзуни адабиётшунослар, тилшунослар, услубшунослар ўрганиши лозим, деган қарашлар мавжуд. Чунончи, академик В.В.Виноградов бадиий нутқни филология фанининг бир-биридан фарқли равишда тилшунослик ҳамда адабиётшунослик аспектида ўрганилиши керак бўлган объекти деб ҳисобласа[1], В.П.Григорьев бадиий нутқ лингвопоэтик тадқиқотлар учун объект бўлганидек, лингвистик поэтика учун ҳам асосий объект бўлиб қолишини таъкидлайди[2].

Поэтика илмининг етук намоёндаларининг бу фикрлари бадиий нутқнинг кенг кўламдаги тадқиқот объекти эканлигидан далолат беради. Профессор В.П.Мурат бадиий нутқнинг стилистик тадқиқотлар учун асос бўлишини назарда тутган ҳолда шундай ёзади: "Бадиий адабиёт тил воситалари қўлланилишининг муҳим кўриниши ва унда тил адабиётнинг "биринчи элементи" – сифатида ўзига хос алоҳида масалани ташкил қилади[3]. Ўзбек филологиясида ҳам бадиий нутқни ўрганиш ҳақидаги қарашлар ушбу фикрларга мос. И.Қўчқортоев[4], Б.Йўлдошев[5], С.Каримов[6], М.Йўлдошев[7] тадқиқотларида бу ҳолатни кузатиш мумкин. Шубҳасиз, бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, унда турли-туман ифода воситаларининг мавжудлиги, бадиий нутқ тадқиқи масаласини ўрганиш, таҳлил қилиш борасидаги турли қарашлар баҳсли, мунозарали фикрлар туғилишига олиб келади. В.П.Григорьев "Поэтика слова" китобида таъкидлаганидек, бадиий нутқнинг эстетик моҳияти хусусидаги баҳслар қизғин ва бадиий нутқдаги сўз ҳақидаги бу баҳслар давом этаверади[8]. Бундай баҳсларнинг давом этишига бадиий нутқ имкониятларининг чегараланмаганлиги сабаб бўлади. «Языковые процессы современной художественной литературы» китобининг муҳаррирлардан деб номланувчи кириш қисмида "бадиий адабиёт тили" ёки "бадиий нутқ тушунчалари" тилшуносликда тўла маънода ўз баёнини топмаганлиги изоҳланади. Ушбу фикрнинг давомида бадиий нутқ тушунчаси остида баъзан образлар, мажозлар тушунилиб, асосий тил материаллари назардан четда қолиши алоҳида таъкидланади[9].

Юқорида қайд этилган бу фикрлар бадиий нутқни ўрганиш соҳасида ҳали кўплаб мунозарали масалалар мавжудлигини, бу масалаларни тўғри ҳал қилиш учун бадиий нутқ тушунчаси ҳар томонлама ўрганилиши лозим бўлган муаммолардан эканлиги маълум бўлади.

Дарҳақиқат, бадиий нутқ масалаларини ўрганиш ва таҳлил қилиш долзарб масалалардан, чунки бадиий нутқ адабий тил тараққиёти йўлларини аниқлаб беришда муҳим аҳамиятга эга. Бадиий нутқ адабий тилни ривожлантирувчи манбалардан бири бўлганидек, адабий нормани шакллантириб борувчи, адабий тил учун янги нормативоситаларни тавсия этувчи нутқ ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қараганда, бадиий нутқ масалаларини ўрганиш умумфилологик масалалардан ҳисобланади.

Академик Ғ.Абдураҳмонов бадиий нутқни таҳлил этишнинг муҳимлигини қуйидагича изоҳлайди. "Ёзувчи умумхалқ тилининг бой имкониятларидан фойдаланиб, адабий тилни бойитади, мукаммаллаштиради. Ёзувчининг мазкур имкониятлардан фойдаланганини ўрганиш асосий вазифалардан биридир[10].

[1] Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М. – Л: Гослитиздат, 1959. – С. 4.

[2] Григорьев В.П. Поэтика слова. – М., 1979. – С. 40.

[3] Мурат В.П. Об основных проблемах стилистика. – М., 1957. – С. 15.

[4] Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1975. – Б. 6-8.

[5] Йўлдошев Б. Бадиий асар тили ва услубини ўрганиш // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд, 1980. – Б 48-51.

[6] Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Самарқанд: Зарафшон, 1992. – Б. 9-11.

[7] Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Тошкент: Фан, 2008.

[8] Григорьев В.П. Кўрсатилган асар. – Б. 3-5.

[9] Языковые процессы современной художественной литературы (проза). – М.: Наука, 1977. – С. 3.

[10] Абдураҳмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тилини ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент, 1966. – Б. 4.

Бугунги кунда бадиий нутқнинг лингвопоэтик таҳлил асосида тадқиқ қилиниши кенг ўрганилаётган аспектларидан бири ҳисобланади. Бадиий нутқни бу усулда ўрганиш тилшунослик учун қанчалик аҳамиятли бўлса, адабиётшунослик учун ҳам шу даражада муҳимдир. Чунки тил бирликлари бадиий асарда фикр, тушунча ифодаловчи восита сифатида чегараланиб қолмайди, балки бадиий асар асосини ташкил қилувчи образлиликка хизмат қилади. Бадиий асарнинг мазмуни, ғояси шу образли тил туфайли вужудга келиши натижасида асарнинг эстетик моҳияти ошади. Шунга кўра, бадиий нутқ образли нутқ бўлиб, у ҳам алоқа-аралашув, ҳам эстетик вазифа бажаради. Бу бадиий нутқнинг вазифасининг кенглигини кўрсатади. Бадиий адабиёт, – деб ёзади А.Н.Васильева, “образли қабул қилиш ва ғоявий эстетик таъсир этиш вазифасини бажаради”[1].

Бадиий нутқ масалаларини ўрганилиши тарихига назар соладиган бўлсак, бу мавзуни ўрганилиши XX асарнинг 20 йиллари билан белгиланади. Ўзбек тилшунослигида илк мақолалар 40 йилларда яратила бошланган.

Рус тилшунослигида бадиий нутқ масалаларини ўрганишга бағишланган кўплаб йирик илмий асарлар мавжуд. Бу йўналишдаги тадқиқотлар орасида В.В.Виноградов[2], А.И.Ефимов[3], Г.О.Винокур[4] каби олимларнинг тадқиотлари алоҳида ажралиб туради. Мазкур тадқиқотларда бадиий нутқ, уни ўрганиш ва таҳлил қилишнинг назарий масалалари атрофлича баён қилинган.

Бадиий асар лексикасини ўрганиш бадиий нутқни ўрганишнинг муҳим қисмини ташкил этади. Чунки луғавий бирликлар бадиий нутқда услубий вазифа бажарувчи муҳим воситадир. Шунга кўра академик В.В.Виноградов бадиий асар лексикасини ўрганишда, сўзларнинг турли услубий вазифасини аниқлашни тавсия этади. “Бадиий асар лексикасини ўрганишда, биринчи навбатда уни турли услубий қатламларга ажратиш, шундан кейин услубий вазифасини аниқлаш керак”[5]. Гарчанд, бадиий нутқ масалаларининг асоси А.А.Потебня, Я.Мукаржовский, Г.О. Винокур, В.В.Виноградов, А.И.Ефимов, Л.В.Щерба ва бошқа олимлар томонидан яратилган бўлса-да, масалани кенг кўламда ёритиш, бу соҳадаги тадқиқот ишларини равожлантиришда кейинги йилларда майдонга келган тадқиқотларнинг аҳамияти катта[6].

Бадиий нутқ тадқиқига бағишланган мавжуд ишларни кузатиш шуни кўрсатадики, кўпгина тадқиқотларда бадиий нутқ асосан, шеърий асарлар асосида таҳлил этилган. Жумладан, рус тилшунослигида ҳам бадиий нутқни шеърий матнлар асосида ўрганилганлиги кузатилди. Чунончи, академик В.В.Виноградов, Г.О.Винокур, А.И.Ефимов, И.С. Ильинская, В.П.Григорьев, А.Д.Григорьева, Н.И.Иванова, Е.А.Некрасова, М.А.Бакина каби бадиий нутқ тадқиқотчиларининг ишлари орқали бу ҳолат яққол кўринади. Шеърий нутқ бадиий нутқнинг ядросини ташкил этиб, кўплаб бадиий воситаларнинг вужудга келиши учун асос бўлган. Ўзбек бадиий адабиётининг ривожига ҳам шеърий нутқнинг таъсири кучли бўлиб, бир қатор тасвирий воситаларнинг шеърий асарлар орқали насрий асарларга ўтгани шубҳа туғдирмайди. Шунинг учун ҳам бадиий нутқни тадқиқ қилишда кўпроқ шеърий матнларга таянишнинг асоси мустаҳкам.

Рус тилшунослигида бадиий нутқни алоҳида шоирларнинг тили ва услуби билан боғлиқ равишда ўрганишга бағишланган ишлар ҳам анча салмоқли, Чунончи, академик В.В.Виноградов[7], Г.О.Винокур[8], В.В.Тимофеев[9], Е.М.Галкина-Федорук[10], И.С.Ильинская[11] ва бошқа бир қатор олимлар айрим шоирларнинг тили ва услубини ўрганиш орқали бадиий нутқ учун характерли бўлган хусусиятларни ёрқин гавдалантирадилар. Бироқ кейинги йилларда бадиий нутқни бадиий наср ва драматик матнлар асосида таҳлил қилиш масалаларига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқдаки, бу бадиий нутқни текшириш объекти кенгайиб борётганидан далолат беради.

Бадиий нутқ масалаларини ўрганишнинг мақсад ва вазифалари В.В.Виноградовнинг “О языке художественной литературы” китобида акс этган.

[1] Васильева А.Н. Художественная речь. – М., 1983. – С. 6.

[2] Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – М., 1959; О теории художественной речи. – М., 1971; Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. – М., 1963.

[3] Ефимов А.И. О языке художественных произведений. – М., 1962; Стилистика художественной речи. – М., 1961.

[4] Винокур Г.О. О языке художественной литературы. – М., 1991.

[5] Виноградов В.В. О языке художественной литературы. – С. 7.

[6] Сб.: Поэт и слова. – М., 1973; Слова в русской советской поэзии. – М., 1975; Языковые процессы современной русской художественной литературы (Проза и поэзия). – М., 1977; Григорьев В.П. Поэтика слова. – М., 1979; Григорьева А.Д. Слова в поэзии Тютчева. – М., 1980; Некрасова Е.А., Бакина М.А. Языковые процессы в совраменной русской поэзиия. – М., 1982; Васильева А.Н. Художественная речь. – М.: Русский язык, 1983; Стилистика художественной литературы. – М., 1982.

[7] Виноградов В.В. О поэзии Анны Ахматовой. – Л., 1925.

[8] Винокур Г.О. Маяковский – новатор языка. – М.: Сов. Писатель, 1943.

[9] Тимофеева В.В. Язык поэта и время (Поэтический язык Маяковского). – М.: – Л: Изд-во АН Ссср, 1962.

[10] Галкина-Федорук Е.М. О стиле Сергея Есенина. – М.: Наука, 1965.

[11] Ильинская И.С. Лексика стихотворной речи Пушкина. – М.: Наука. 1976.

Ўз навбатида бу китоб мунозараларга ҳам сабаб бўлган. Бу мунозаралар билан боғлиқ равишда бадиий нутқ, уни ўрганиш ҳақида рус тилшунослигида мавжуд бўлган фикрлар, бадиий нутқ масалаларининг кейинги тадқиқотчилари томонидан чуқур таҳлил қилинди ва умумлаштирилди. Бундай таҳлил ва умумлаштириш намуналарини А.И.Ефимов, В.П.Григорьев ва бошқа тилшуносларнинг қайд қилиб ўтилган ишларида кўриш мумкин. Шу сабабдан, мазкур ишни ёзиш жараёнида рус тилшунослигида мавжуд фикрларга асосланишимизни ҳисобга олган ҳолда бадиий нутқ ҳақидаги рус тилшунослигида мавжуд фикрларни умумлаштиришни лозим топмадик.

Гап ўзбек бадиий нутқи хусусида кетар экан, мавзу бўйича ўзбек тилшунослигида мавжуд тадқиқотлар асосида вужудга келган фикрларни умумлаштириш билан чегараланмоқчимиз.

Ўзбек тилшунослигида бадиий нутқ таҳлилига оид илк мақолаларда бадиий нутқнинг хусусиятлари, ёзувчининг умумхалқ тилидан фойдаланишдаги маҳоратлари ҳақида фикр юритилади. Бу хилдаги ишлар XX асарнинг 40 йилларида ва қисман 60 йилларда яратилган. 70 йиллардан кейин асосан диссертация характеридаги илмий ишлар майдонга кела бошлади. Ушбу факт ва мавжуд манбалар кўрсатадики, ўзбек филологиясида бадиий нутқ масалаларини ўрганишда изчиллик бўлмаган. 30-йилларнинг охирида бошланган изланишлар узоқ муддат тўхтаб қолган. Шу сабабдан ҳам бадиий нутқ масалаларини ўрганишда 80 йилларда актуаллашиб қолган мавзу – бирор ижодкор тилини лексик ёки лексик-стилистик асосда таҳлил қилишга кўпроқ эътибор берилган. Шубҳасиз, бу хилдаги изланишлар бадиий нутқни ўрганиш ва тадқиқ қилиш йўлидаги муҳим қадамдир. Бироқ бу ишлар бадиий нутқни, турли кўринишлари бўлган насрий, шеърий, драматик нутқнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб бера олмайди. Чунки мазкур тадқиқотларнинг мазмун-моҳияти, улардан кўзда тутилган мақсад ижодкорнинг тилдан фойдаланишдаги маҳоратини кўрсатишдан иборат эди.

Умуман, ўзбек тилшунослигида бадиий нутқнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш юзасидан бирор назарий қўлланма йўқлиги ҳам бу соҳада тадқиқот ишлари олиб боришни қийинлаштирган. Ўзбек бадиий нутқ масалаларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларни кузатиш ва умумлаштириш уларни характерига кўра қуйидагича гуруҳлаш имконини беради:

1.Бадиий нутқни ўрганишнинг умумий масалаларига оид тадқиқотлар.

2. Бадиий нутқни лингвистик асосида ўрганишга оид тадқиқотлар.

3. Бадиий нутқни адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганишга оид тадқиқотлар.

4. Бадиий нутқни методик жиҳатдан ўрганишга доир ишлар.

Кейинги йилларда бадиий нутқнинг умумий масалаларига оид тадқиқотлар миқдор ва сифат жиҳатдан ўсди. Бу тадқиқотларнинг асосий қисмида лингвистик аспект устун бўлиб, улар мақола, монография ва диссертация характеридаги тадқиқотларга ажралади. Бадиий нутқни ўрганишнинг умумий масалалари ҳақида фикр юритиладиган мақолалардан бири А.Аҳмедовнинг “Бадиий асар тилини ўрганиш ҳақида”[1] мақоласи бўлиб, унда бадиий асар тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилади. Мақола муаллифи бадиий асар тили масаласига бағишланган бир қатор ишларни таҳлил қилиб, улардаги камчиликларни кўрсатар экан, бадиий асар лексикасини ўрганишда бадиий тил хусусиятларидан келиб чиқиш лозимлигини қайд этади. Бинобарин, бадиий образлиликни кучайтирувчи кўчма маъноли сўзлар, образли синонимларни, бадиий нутқнинг катта қисмини ташкил қилувчи бадиий услуб сўзларининг хусусиятларини тадқиқ этиш, уларни нутқ жараёнида бажарадиган вазифасини кузатиш бадиий асар лексикасини ўрганиш учун муҳимлиги таъкидланади. Тадқиқотчи бадиий адабиёт тилини, бадиий нутқни ўрганишнинг аҳамияти ҳақида фикр юритар экан, бу хилдаги тадқиқот адабий тил тарихини, тилнинг грамматик қурилишини, лексик ва фразеологик тизимини ўрганишда катта материал беришини алоҳида уқтиради.

А.Аҳмедов бадиий асар тилини унинг ғоявий эстетик мундарижаси, образлар тизими, жанр ва услуб хусусиятларидан ажратган ҳолда тасаввур қилиш қийин эканлигини таъкидлаб, бадиий нутқда сўз ва образ бир бутун ҳолда акс этганлиги учун бадиий асар тилини образлар тизими билан боғлиқ равишда ўрганиш кераклигини қайд этади ва бадиий нутқни соф лингвистик аспектда ўрганишга тўла қўшилмайди[2].

Шунингдек, И.Султоновнинг “Бадиий асарнинг тили”[3], А.Ғуломовнинг “Бадиий адабиётнинг тили ҳақида”[4], Ж.Эсановнинг “Бадиий асар тилини ўрганиш”[5] номли мақолаларида ҳам, бадиий нутқни тадқиқ этишнинг умумий масалалари хусусида фикр юритилган. Х.Дониёров ва С.Мирзаевлар-

[1] Аҳмедов А. Бадиий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1960, №3. – Б. 46-50.

[2] Аҳмедов А. Шу мақола. – Б. 48-50.

[3] Иззат Султон. Бадиий асарнинг тили // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1939. – №5.

[4] Ғуломов А. Бадиий адабиётнинг тили ҳақида // Адабиёт ва санъат, 1941. – №1.

[5] Эсанов Ж. Бадиий асар тилини ўрганиш // Ўқитувчилар газетаси, 1963, 6 декабрь.

нинг “Бадиий асар тилини ўрганиш масаласига доир”[1] мақоласида бадиий нутқни ўрганишнинг умумий жиҳатлари кўрсатиб ўтилган. Бу мақолада бадиий нутқни таҳлил қилиш аспектлари ажратилади. Тилдаги ўсиш ўзгаришларни, – дейилади мақолада, – ўрганишни ўз олдига вазифа қилиб қўядиган аспект лингвистик аспект, ёзувчининг умумхалқ тилига бўлган муносабати, тил бойликларидан фойдаланиши, ёзувчи маҳорати, стили ҳақида хулоса чиқарувчи аспект стилистик аспект[2]. Тадқиқотчилар бу ишда бадиий нутқни лингвистик ва стилистик асосда ўрганишнинг аҳамияти, ундан кўзда тутилган мақсад, бадиий асарда шакл ва мазмун бирлиги, тил халқчиллиги ҳақида ҳам фикр юритадилар.

Бундай тадқиқотлар сирасига Ғ.Абдураҳмоновнинг “Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида” номли мақоласини ҳам киритиш мумкин. Мақолада бадиий асар тилини лингвистик аспектда ўрганиш йўллари назарий жиҳатдан атрофлича ёритиб берилган[3]. Б.Йўлдошевнинг “Бадиий асар тили ва услубини ўрганиш” номли мақоласида ҳам бадиий нутқнинг умумий масалалари, ушбу мавзунинг рус ва ўзбек тилшунослигида ишланиши, тадқиқ этиш аспектлари хусусида фикр юритилади[4].

Бадиий нутқ ва бадиий нутқ услубининг назарий асослари ҳақида баҳс юритувчи бир қатор монографик тадқиқотлар ҳам яратилдики, бу ўзбек филологиясида бадиий нутқ ва унинг лингвистик таҳлили масаласида катта силжиш рўй бераётганидан далолат эди.

И.Қўчқортоев ўзбек филологиясида бадиий нутқ масаласининг илк тадқиқотчиларидан бири сифатида алоҳида кўзга ташланади. Олимнинг “Бадиий нутқ стилистикаси”, “Бадиий сўз устаси”[5] асарларида бадиий нутқнинг назарий ва амалий масалалари хусусида фикр юритилади.

Айниқса, “Бадиий нутқ стилистикаси” асарида бадиий нутқнинг адабиётшунослик ва тилшунослик нуқтаи назаридан таҳлилида йўл қўйиладиган камчиликлар ҳақидаги мулоҳазалар ва бадиий нутқни ўрганишда фойдаланиладиган тадқиқот усулларининг ажратилиши ҳақидаги фикрлар диққатга сазовордир[6]. Шунингдек, олим бадиий асарда ишлатиладиган тил воситаларининг ҳаммаси функционал принцип нуқтаи назаридан ўрганилиши ва баҳоланиши[7] лозимлиги масаласини ўртага қўйди, бу бадиий нутқни лингвистик жиҳатдан тадқиқ этишдаги энг муҳим қараш эди.

Ўзбек тилшунослигида бадиий нутқ масалаларини ўрганишга бағишланган энг йирик тадқиқотлардан бири Л.Абдуллаеванинг “Ўзбек бадиий адабиётининг лексик стилистикаси”[8] монографиясидир. Тадқиқотда бадиий нутқ лексик-стилистик асосда ўрганилган, унда бадиий нутқда муҳим аҳамият касб этадиган метафора ва унинг услубий хусусиятлари, қўлланиш доираси чегараланган (архаик, тарихий, неологизм, диалектизм, профессионализм, жаргон) лексика ҳамда эмоционал сўзлар ва уларнинг услубий хусусиятлари тадқиқ этилган.

Мазкур монография бадиий нутқни услубий жиҳатдан тадқиқ этиш масалаларини кенг тарғиб қилувчи манбалардан биридир. Зеро, унда бадиий нутқнинг ўрганилиши муҳим бўлган луғавий хусусиятлари ҳақида фикр юритилади. Бой фактик материаллар асосида бадиий нутқдаги метафора, архаик ва тарихий, эмоционал сўзларнинг услубий хусусиятларини очиб беришга ҳаракат қилинади. Аммо маълумки, бу луғавий воситалар бадиий нутқ лексикасининг маълум қисмини ташкил қилади. Шу боисдан ҳам бу тадқиқот бадиий нутқ лексикаси ва унинг ўзига хос хусусиятларини тўлиқ ёритиб бера олмайди. Бадиий нутқ масалалари хусусида кенг баҳс юритувчи тадқиқотлардан бири Х.Дониёров, Б.Йўлдошевларнинг “Адабий тил ва бадиий стиль”[9] монографиясидир. Тадқиқотда бадиий нутқ, унинг ўрганиш аспектлари хусусида фикр юритилган. Тадқиқотчилар “бадиий нутқ муаммоларини тилшунослик ва адабиётшунослик аспектларини ўзида бирлаштирувчи ягона стилистик аспектда” текшириш фикрини олға сурадилар[10].

Монографиянинг “Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили”, “Ўткан кунлар” романининг тили ҳақида”, “Шоир асарларининг тили ва стили” (Ҳ.Олимжон ҳақида), “Машъал” романининг тил хусусиятлари ҳақида”ги ва бошқа қисмларида бирор муайян асар ёки ижодкор асарларининг тили ва услуби ҳақида мулоҳазалар баён этилган бўлиб, бу тадқиқотлар ёзувчи тили ва услубини, бирор бадиий асар мисолида ўрганиш жараёнида муҳим манба вазифасини бажаради.

---

[1] Дониёров Х., Мирзаев С. Сўз санъати. – Тошкент: Ўзадабий нашр, 1962. – Б. 171-187.

[2] Дониёров Х., Мирзаев С. Кўрсатилган асар. – Б. 173-174.

[3] Абдураҳмонов Ғ. Адабий асар тилини ўрганиш ҳақида // Ўзбек тили ўқитиш методикаси масалалари. – Тошкент: 1966. – Б. 4-12.

[4] Йўлдошев Б. Бадиий асар тили ва услубини ўрганиш // Ўзбек тили стилистикаси ва нутқ маданияти масалалари. – Самарқанд: 1980. – Б. 42-55.

[5] Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1976; Бадиий сўз устаси. – Тошкент: 1976.

[6] Қўчқортоев И. Бадиий нутқ стилистикаси. – Б. 7-9.

[7] Қўчқортоев И. Шу асар. – Б. 12.

[8] Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Ташкент: Фан, 1979.

[9] Дониёров Х., Йўлдошев Б. Адабий тил ва бадиий стиль. – Тошкент: Фан, 1988.

[10] Дониёров Х., Йўлдошев Б. Ўша асар. – Б. 91.

Бадиий нутқ масалаларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқот ишлари орасида Б.Йўлдошев тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради. Б.Йўлдошев тадқиқотларида бадиий нутқ масалаларини услубий, аспектда ўрганиш устун бўлиб, бу ҳолат тадқиқотчининг қўлланма ва монографиясида[1] ўз ифодасини топган. Хусусан, муаллифнинг “Стилистический анализ узбекской художественной прозы” монографиясида бадиий нутқни тадқиқ этишдаги бу аспект етакчи эканлиги таъкидланган. Тадқиқотнинг биринчи бобида бадиий насрда тил ва услуб, бадиий насрни услубий таҳлил қилиш масалалари хусусида сўз юритилади. Муаллиф В.В.Виноградов фикрига қўшилган ҳолда бадиий нутқнинг асосий услубий категориялари сифатида муаллиф нутқи, персонаж нутқи ва баён[2]ни алоҳида ажратиб, ёзувчи С.Аҳмад асарлари асосида ушбу ҳодисаларни услубий жиҳатдан таҳлил қилган. Ўзбек тилшунослигида муаллиф ва персонажлар нутқини алоҳида ҳолда таҳлил қилиш соҳасидаги бу илк тажриба ўзига хос муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бадиий нутқ масалаларини ўрганишдаги муайян йўналиш мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбек тилининг бадиий услуби ва уни шаклланиш масалалари ҳақида фикр юритар экан, проф. С.Каримов бадиий нутқнинг муҳим хусусияти сифатида бадиий адабиётнинг барча услублар, китобий – адабий ва халқ сўзлашув нутқининг турли воситаларини ўзига хос комбинациялар ҳамда функционал ўзгарган кўринишларда қамраб олиши ва фойдаланиши, бадиий адабиёт доирасида эстетик-стилистик категорияларнинг амал қилиши билан изоҳлайди. Олим тилнинг эстетик функциясини тилнинг олий ютуқларидан эканлигини таъкидлар экан, бадиий услубнинг бошқа услублардан фарқланувчи лингвистик ва экстралингвистик белгиларининг мавжудлиги, яхлитлиги, монолитлиги муҳим вазифа бўлган – эстетик вазифани бажаришга қаратилганига эътиборни тортади[3]. Дарҳақиқат, бадиий нутқдаги барча шакллар, ифодалар, сўз қўллаш билан боғлиқ ҳолатлар шу нутқнинг асосий моҳияти – бадиий-эстетик шаклланишига қаратилади.

Бадиий матн ва унинг моҳиятини проф. М.Йўлдошев шундай изоҳлайди: “Бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини жамлай оладиган, тингловчи ёки ўқувчига эстетик завқ бериш, таъсир этиш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунлик ҳисобланади. М.Йўлдошев бадиий матннинг ўзига хос муҳим жиҳатлари сифатида бадиий тасвир воситаларининг қўлланилиши, таъсирчанликнинг биринчи планда бўлиши, оҳангдор, жозибадор воситаларнинг кўп қўлланилиши каби жиҳатларини алоҳида таъкидлайди[4].

XX асрнинг 80–90-йилларидан бошлаб бадиий асар тилини ўрганишнинг янги йўналиши – лингвопоэтик тадқиқ усули майдонга келди. Бадиий асар тилини ўрганишнинг тилшунослик ва адабиётшунослик йўналишларини бирлаштирувчи бу усул, Проф. Н.Маҳмудовнинг “Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси”, “Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир”[5] мақолаларидан кейин авж олди. Бу мақолаларда бадиий нутқнинг лингвопоэтик масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ўзбек тилшунослигида кўплаб лингвопоэтик таҳлил асосидаги тадқиқотларни майдонга келишига замин яратди. Бу мақолаларнинг илмий аҳамияти шунда эдики, уларда ҳам насрий, ҳам шеърий матнда сўзнинг санъаткорона қўлланилиши асосида фикрнинг бадиий бўёқдор ифодаланиши, сўзлар орқали турли услубий имкониятларнинг яратилиши аниқ мисоллар таҳлили асосида баён этилади.

Проф. И.Мирзаев тил воситаларининг лингвистик талқини масалаларига азалдан катта эътибор билан қаралаётганлигини таъкидлар экан, мумтоз шеъриятнинг уч йўналишда ўрганилганлигини, улардан бири илми бадеъ бўлиб, у нутқнинг безаги сифатида тадқиқ этилганига алоҳида аҳамият қаратади[6] ва мазкур тадқиқотида қофиянинг лингвопоэтик табиатини унинг луғавий ва морфологик тузилиши асосида ёритишни асосий вазифалардан бири қилиб қўяди[7]. Тадқиқотчи эътироф этганидек, қофиянинг муҳим белгиси турли-туман модал маъноларни ифодалаш хусусиятига эгалиги бўлиб, у нафақат зарур маъно ташувчи сўз сифатида мисра охирига олинади, балки матндаги ассоциатив алоқани уюштиришда ҳам муҳим функционал моҳият касб эта олади[8]. Дарҳақиқат, қофиянинг бадиийтни вужудга келтириши, таъсирчанликни таъминлаши, унинг лингвопоэтик табиатли бадиий санъат эканлигидан далолат беради.

[1] Йўлдошев Б. Бадиий нутқ стилистикаси. – Самарқанд, 1982; Стилистический анализ узбекиской художственной прозы. – Ташкент, 1989.

[2] Йўлдошев Б. Стилистический анализ узбекиской художственной прозы. – Б. 29.

[3] Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. – Б. 20-21.

[4] Йўлдошев М. Бадиий матн лингвопоэтикаси. – Б. 88.

[5] Маҳмудов Н. Ойбек шеъриятидаги ўхшатишларнинг лингвопоэтикаси // Ўзбек тили ва адабиёти. 1985. – №6. – Б. 48-51; Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. – №4. – Б. 34-38.

[6] Мирзаев И. Проблемы лингвопоэтический интерпретации стихотворного текста: Автореф… дисс… филол. д-ри. Наук. – Ташкент, 1992. – С. 3.

[7] Мирзаев И. Кўрсатилган авторефарат. – Б. 5.

[8] Мирзаев И. Кўрсатилган авторефарат. – Б. 5.

Бадиий нутқ қайд этилган ва бошқа кўпгина жиҳатлари, хусусан, адабий тил меъёрларига амал қилмаслик ҳолатларининг мавжудлиги билан ўзига хос ва тадқиқотчилар диққатини жалб этувчи манбадир. Булардан ташқари ўзбек тилшунослигида бадиий нутқни тилшунослик аспектида тадқиқ этувчи бир қатор монографик характердаги тадқиқотлар[1] мавжудки, бу асарлар бадиий нутқ масалаларини атрофлича тадқиқ қилиш учун ўзбек тилшунослиги бой тажрибага эга эканлигини, бу манбалардан фойдаланган ҳолда ҳар томонлама чуқур тадқиқотлар олиб бориш учун етарли имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбек тилшунослигида бадиий матн таҳлилига оид тадқиқотларни хусусиятига кўра қуйидагича гуруҳлаш мумкин. Мумтоз асарлар тили ва услубини ўрганишга оид тадқиқотлар (А.Шомақсудов, А.Аҳмедов, Х.Маматов, А.Каримов, З.Ҳамидов, Х.Бектемиров, М.Рустамов, З.Холмонова, Т.Жумаев, М.Тожиева, Р.Зоҳидов, И.Носиров, Х. Усмонов, Б.Абдушукуров), шеърий асарларнинг тили ва услубини ўрганишга оид тадқиқотлар (Х.Назарова, Б.Чориев, Б.Ёриев, С.Каримов, Б.Умурқулов, С.Бобоева, Г.Келдиёрова, С.Нормаматов), насрий асарлар тадқиқига оид ишлар (И.Қўчқортоев, Қ.Самадов, Э.Қиличев, Ф.Насриддинов, Б.Файзуллаев, У.Носиров, Ҳ.Шамсиддинов, М.Тўйчиев, Б.Йўлдошев, М.Йўлдошев, Р.Нормуродов, Ё.Саидов, С.Боймирзаева, М.Қамбаров, М.Қосимова, Л.Жалолова, А.Ҳасанов, А.Абдуллаева), драматик асарларнинг тил хусусиятлари ўрганилган тадқиқотлар (Э.Абдиев, Ш.Казаков, Ф.Бобожонова), фольклор асарлари тил хусусиятлари ўрганилган тадқиқотлар (Ш.Шоабдураҳмонов, С.Турсунов, Г.Жуманазарова), бадиий матн лингвопоэтик асосда таҳлил қилинган тадқиқотлар (И.Мирзаев, Г.Муҳаммаджонова, Д.Шодиева, М.Якуббекова, Ш.Тошхўжаева, Д.Шодмонова), бадиий матн таҳлилининг умумий хусусиятлари ҳақида бахс юритувчи назарий характердаги тадқиқотлар (Р.Қўнғуров, И.Қўчқортоев, С.Каримов, Б.Йўлдошев, М.Йўлдошев), бадиий матн антропоцентрик талқинда тадқиқ этилган тадқиқотлар (Д.Худойберганова, Ш.Махмараимова).

Мавжуд тадқиқотларни кузатиш шуни кўрсатадики, бадиий нутқ масалаларини ўрганишда кўпроқ шеърият материаллари асос бўлган, бадиий наср, айниқса, бадиий насрнинг луғавий хусусиятларини ўрганиш соҳасидаги тадқиқотлар жуда кам. Бадиий нутқнинг муҳим хусусиятларини вужудга келтиришда лексик воситаларнинг ўрни ва бадиий нутқдаги луғавий қатламлар масалалари ўрганилмайди.

Жумладан, бадиий нутқни бадиий наср материаллари асосида ўрганган тадқиқотчилардан И.Қўчқортоев бадиий насрда фразеологизм[2] Қ.Самадов ёзувчининг сўз қўллашдаги маҳорати[3] масалаларини таҳлил қилса, Э.Қиличев ўз тадқиқотида синонимларнинг қўлланиш доираси чегараланган сўзларнинг, топоним ва антропонимлар, кўчма маъноли сўзларнинг стилистик хусусиятларини таҳлил қилади[4]. Л.Абдуллаеванинг тадқиқоти ҳам шу типдаги тадқиқотлардандир[5]. Шунингдек, Ф.Насриддинов, У.Носиров, Б.Йўлдошев, Р.Нормуродов, М.Тўйчиев, М.Йўлдошев, Ё.Саидов, С.Боймирзаева, Л.Жалолова, А.Ҳасанов, А.Абдуллаевалар бирор ижодкор ёки бирор асарнинг тил хусусиятларини ўрганган. Ушбу тадқиқотлар мисолида ҳам кўриш мумкинки, бадиий наср, умуман, насрий нутқ луғавий асосда етарли даражада ўрганилиши зарур. Шунингдек, бадиий нутқ тизимида муҳим ўрин тутадиган бадиий услубга хос сўзлар хусусида ҳам мавжуд тадқиқотларда фикр юритилмайди.

Бадиий нутқ масалаларини ўрганишда ёзувчи тили ва услубини, бирор ижодкор ёки бирор асарнинг луғавий хусусиятларини таҳлил қилиш етакчилик қилган. Ўзбек тилшунослигида бу ҳолат туркологиядаги мазкур мавзуга оид тадқиқотларда ҳам кузатилди. Г.С.Амиров[6], С.Ш.Поварисов[7], Р.Искандаров[8], М.А.Гусейнов[9], З.Т.Мамедов[10],

[1] Самадов Қ. Ойбек – сўз санъаткори. – Тошкент, 1965; Ойбекнинг тил маҳорати. – Тошкент, 1981; Ўзбек тили услубияти. – Тошкент, 1991; Шомақсудов А. Муқимий сатирасининг тили. – Тошкент, 1971; Қўнғуров Р. Ўзбек тилининг тасвирий воситалари. – Тошкент: Фан, 1981; Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982; Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. – Тошкент: Фан, 1983; Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. – Тошкент: Фан, 1990; Бадиий адабиётда сўз. – Тошкент: Фан, 1993; Йўлдошев М. Чўлпон сўзининг сирлари. – Тошкент: Маънавият, 2002; Нормуродов Р. Шукур Холмирзаевнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси, 2003.

[2] Қўчқортоев И. Фразеологическая новаторство А. Каххара: Автореф. дисс. …канд. филол. наук. – Тошкент, 1965.

[3] Самадов Қ. Некаторые вопросы языкового мастерства Айбека: Автореф. дис. …канд. филол. наук. –Ташкент, 1967.

[4] Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. – Тошкент: Фан, 1982.

[5] Абдуллаева Л. Лексическая стилистика узбекской художественной литературы. – Ташкент: Фан, 1979.

[6] Амиров Т.С. Язык Тукая (лексика и фразеология): Автореф. дис. …д-ра филол. наук. – Алма-Ата, 1968.

[7] Поварисов С.Ш. Система образных средств в художественной прозе Г.Ибрагимова: Автореф. дис... д-ра филол. наук. – Баку, 1982.

[8] Искандаров Р.С. Язык произведений Сагита Агиша: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Уфа, 1980.

[9] Гусейнов А.М. Язык и стиль романа М.Ибрагимова: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Баку, 1982.

[10] Мамедов З.Т. Лексика и фразеология рассказов Сулеймана Сани Ахундова: Автореф. дис... канд. филол. наук. – Баку, 1983.

М.А.Нуриева[1], Э.Ф.Заббарова[2] каби тадқиқотчиларнинг докторлик ва номзодлик ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ўзбек филологиясида бадиий нутқ масалаларини адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш соҳасида ҳам бир қатор ишлар мавжуд. Бу соҳадаги ютуқлар О.Шарафутдинов[3], С.Тўрабекова[4], П.Қодиров[5], Н.Шукуров[6] каби тадқиқотчиларнинг ишларида ўз аксини топган бўлса ҳам, адабиётшунос У.Тўйчиев таъкидлаганидек, бадиий тилни ўрганиш ўзбек адабиётшунослигида ҳали яхши йўлга қўйилган эмас[7]. Бу йўналишдаги тадқиқотларда бадиий нутқ кўпинча асар ғояси ва образлар тизими билан боғлиқ равишда ўрганилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, тадқиқотларда бадиий нутқнинг образли ифодалари, поэтик синтаксис масалалари хусусида ҳам (С.Тўрабекова) фикр юритиладики, бундай тадқиқотларда бадиий нутқни ўрганишнинг адабиётшунослик ва тилшунослик аспектлари бирлашиб кетади. Ш.Шоабдураҳмоновнинг “Ойбек романларининг тили”[8], Х.Дониёров, Қ.Самадовларнинг “Ҳ.Олимжоннинг тилдан фойдаланишдаги новаторлиги”[9], Н.Шукуровнинг “Ғафур Ғуломнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир”[10] мақолалари шу типдаги тадқиқотларга мисол бўла олади.

Бу мақолаларда етакчи ўзбек ёзувчиларидан Ойбек, Ҳ.Олимжон, Ғ.Ғуломнинг сўздан образ яратишда фойдаланиш маҳорати, поэтик тили, тасвирлаш ва поэтик маҳорати, сўз қўллаш новаторлиги ҳақида фикр юритиладики, бундай тадқиқотлар ҳам бадиий нутқ масалаларини таҳлил қилиш жараёнида муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда ўзбек адабиётшунослигида бадиий нутқда образ яратишда тил воситаларининг ўрнига алоҳида эътибор қаратилган, бадиий нутқ поэтикаси таҳлил этилган ишлар ҳам майдонга келди. А.Раҳимов, Д.Тўраев, Й.Солижонов, Д.Қуронов, Г.Имомова, А.Сабирдинов[11]ларнинг тадқиқотларида бадиий адабиётда образ яратиш, бадиий матнларда сўзнинг вазифаси масалалари хусусида фикр юритилади. Д.Қуронов бадиий нутқ таркибида сўзнинг номинатив – тасвирий маъноси актуаллашиш натижасида сўзларнинг семантик ва грамматик боғланиши бадиий образ вужудга келиши учун асос бўлишини таъкидласа[12], Г.Имомова бадиий асар тили ёзувчининг услубини, бадиий асарнинг фазилатларини белгилашини эътироф этади[13]. Келтирилган фикрлар бадиий нутқда тил бадиий образ яратиш воситаси, ундан самарали фойдалана олган ижодкоргина бадиий асар муаллифи бўла олишини кўрсатади.

Профессор В.П.Григорьев адабий тил ва бадиий тилнинг ўзаро фарқли хусусиятлари, вазифаси хусусида фикр юритар экан, жуда ўринли бир далил келтиради. “Адабий тил барча мактабларда ўтилади, аммо бадиий адабиёт тили ёки поэтик тил ҳеч ерда ўтилмайди, ...адабий тилни билиш умумнорма, бироқ бу нутқ маданиятининг биринчи этапи, миллий тил маданияти шу билан чегараланмайди, шундай экан, у ёки бу даражада бадиий адабиёт тилини ҳам билиш керак”[14]. Бу фикрни тўлиғича ўзбек мактабларига ҳам татбиқ қилиш мумкин. Ўзбек мактабларида бадиий нутқнинг деярли ўрганилмаслиги шу мавзуда тадқиқотлар олиб бориш учун тўсқинлик қилиб келди. Шу боисдан ҳам умумтаълим мактаблари учун бадиий нутқни ўрганишга оид салмоқли тадқиқотлар йўқ. Бу соҳадаги муҳим ишлардан бири Ж.Эсановнинг “Мактабда бадиий асар тилини ўрганиш” номли тадқиқотидир[15]. Тадқиқотда бадиий нутқни таҳлил қилиш адабий тил ва унинг асосий тараққиёт босқичларини ўрганиш учун шароит яратиши ўринли таъкидланиб, мактабда бадиий нутқни ўрганишдан асосий мақсад, бадиий асар мазмунини чуқур англаш, ўқувчилар нутқини ўстириш, сўз бойлигини ошириш эканлиги алоҳида қайд қилинади.

---

[1] Нуриева М.А. Язык романов Мехти Гусейна: Автореф. дис. …канд. филол. наук. – Баку, 1983.

[2] Заббарова Э.Ф. Язык с стиль прозы Гумера Тулумбая: Дис. канд. филол. наук. – Казан, 2009.

[3] Шарафутдинов О. Замон-қалб-поэзия. – Тошкент, 1962.

[4] Тўрабекова С. Тил ва услуб. – Тошкент, 1963.

[5] Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Тошкент, 1973.

[6] Шукуров Н. Индивидуал услуб ва бадиий тил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. – №3; Бадиий услуб ва адабий тил // Ўзбек тили ва адабиёти. 1972. – №4.

[7] Тўйчиев У. Адабиётшуносликнинг муҳим соҳаси // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1986, 5 сентябрь.

[8] Шоабдураҳмонов Ш. Ойбек романларининг тили // Шарқ юлдузи, 1955. – №10.

[9] Дониёров Х., Самадов Қ. Ҳ.Олимжоннинг тилдан фойдаланишдаги новаторлиги // Шарқ юлдузи, 1959. – №7.

[10] Шукуров Н. Ғафур Ғуломнинг тилдан фойдаланиш маҳоратига доир // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари, 1959. – №4.

[11] Раҳимов А. Ўзбек романи поэтикаси: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1993; Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 1994; Солижонов Й. XX аср 80-90 йиллари ўзбек насрида бадиий нутқ поэтикаси: Филол. фан. док. дисс... автореф. – Тошкент, 2003; Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент: Шарқ, 2004, Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018; Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Тошкент: Чўлпон, 2004; Сабирдинов А. Ойбек шеъриятида сўз ва образ. – Тошкент: Akademnashr, 2010.

[12] Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Б. 64.

[13] Имомова Г. Кўрсатилган асар. – Б. 36.

[14] Григорьев В.П. Поэтика слова. – С. 8.

[15] Эсанов Ж. Мактабда бадиий асар тилини ўрганиш. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973.

Мазкур тадқиқотда мактабда бадиий нутқни таҳлил қилишдаги муҳим вазифа сўз ва образларнинг ўзаро алоқасини аниқлаш, сўзнинг нафақат фикр ифодалаши, балки маъно жиҳатдан жозибадорлиги бадиий образ яратиш воситаси эканлигини ҳис этишга алоҳида диққат қаратилади. Шунингдек, ишда турли синфларда асар тилини ўрганиш методлари ҳақида ҳам фикр юритилади.

Юқорида санаб ўтилган тадқиқотлар ўзбек бадиий нутқини ўрганиш соҳасида анчагина ишлар қилинганидан далолат беради. Бадиий нутқ таҳлилига бағишланган тадқиқотлар салмоқли бўлса-да, ҳали кўплаб ижодкорларнинг тилдан фойдаланишдаги маҳорати, умумхалқ тилининг бой имкониятларини намоён этувчи ижод намуналари, нутқий ранг-барангликни таъминловчи, тилнинг бойлигини, жозибадорлигини уюштирувчи лингвистик ва услубий воситалар ўрганилмаган. Бу ҳолат ҳали ўзбек бадиий нутқи хусусиятлари луғавий, морфологик, синтактик, услубий асосда алоҳида, атрофлича ўрганилган тадқиқотларга эҳтиёж катта эканлигини кўрсатади.

Резюме. Мақолада бадиий нутқ миллий тилининг ижтимоий-тарихий анъаналарига мос лисоний, бадиий-эстетик вазифаларга эга бўлган шаклларидан эканлиги асосланади. Бу нутқ миллий тил лисоний имкониятларининг миқдор ва шаклига кўра, мазмун ва маъносига кўра тил бойлигини намоён этувчи муҳим восита эканлиги таҳлил қилинган.

Resume. In the article, it is substantiated on the fact that the artistic speech is one of the forms of the national language that have linguistic, artistic and aesthetic functions in accordance with the socio-historical traditions. It has been analyzed that this speech is an important tool that shows the linguistic richness of the national language according to the amount and form, according to its content and meaning.

Резюме. В статье анализируется то, что художественная речь является одной из форм национального языка, обладающей языковыми, художественными и эстетическими функциями в соответствии с общественно-историческими традициями. Также дается определение художественной речи: речь является важным инструментом, показывающим языковое богатство национального языка по объему и форме, по его содержанию и значению.